

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси**

**«Ҳимояга рухсат этилади»**

**Кафедра мудири**

**Проф.Б.А.Хасанов**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016 йил

**МАВЗУ: «тижорат банкларида номоддий активлар аудити»**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**  
катта ўқитувчи

**БАЖАРДИ: «Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит» таълим йўналиши**

**Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди**  
\_\_\_\_\_ сонли баённома « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016 йил.

**ТОШКЕНТ – 2016**

**МУНДАРИЖА**

<b>Кириш</b> .....	3
<b>1-Боб. Иқтисодий модернизацйлаш шароитида тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари</b> .....	8
1.1. Номоддий активларга иқтисодий таъриф ва уларнинг таснифи	8
1.2. Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олишнинг моҳияти, аҳамияти ва баҳоланиши	15
1.3. Тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг аудити манбалари ва вазифалари	24
<b>2-Боб. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш</b> .....	29
2.1. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активларнинг киримини ҳисобга олиш.....	29
2.2. Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олиш.....	36
2.3. Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби ва уни такомиллаштириш.....	40
<b>3-Боб. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активлар ҳисобининг аудити ва уни такомиллаштириш</b>	44
3.1. Тижорат банкларда номоддий активларнинг кирим қилиниши ва чиқиб кетиши ҳисобининг аудити ва уни такомиллаштириш.....	44
3.2. Тижорат банкларида номоддий активларнинг амортизацияси аудити.....	47
<b>Хулоса ва таклифлар</b> .....	52
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	56

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Бу борада барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда миждозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга

оширилишини ва иқтисодий пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини янада муцаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда ва бу хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари умумий сонининг 80 фоиздан ортиғини ташкил қилади”<sup>1</sup>.

Тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот субъектларни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

Банк тизимининг муомалага кредит пуллари чикариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодийнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Тижорат банклар олдида турган муҳим вазифалардан бири юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиш, бўлиб бундай ишларни амалга оширишда банк жараёнлари ҳисобини такомиллаштириш зарурдир. Банкларда юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиши учун банкларда етарли активларга эга бўлиши керак. Ҳозирга вақтда номоддий активлар моддий кўринишга эга бўлмасида банкнинг активлари таркибида ҳисоби

---

<sup>1</sup>“Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий тизимда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 16 январь, № 11 (6446).

юритилиб, бу номоддий активлар банк фаолиятига хос бўлган хизматлар кўсатиш ҳуқуқини берувчи номоддий активдир.

Бу борада, банкнинг иш фаолиятини янада такомиллаштиришда номоддий активлар аудитини тўғри юритилиши муҳим ҳисобланиб, бу бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур танланган мавзу бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, номоддий активлар аудитини тўғри ташкил қилиш бўйича мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқиш лозим.

**Битирув малакавий ишнинг ўрганилганлик даражаси.** Номоддий активлар бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган хорижлик олимлардан В.Палий, Н.Кондраков, О.Николаева, С.Бучкова, А.Аренс, Дж.Лоббек, А.Шеремет, В.Суйц кабиларни келтириш мумкиндир.

Мамлакатимиз олимларидан А.Ибрагимов, М.Пардаев, С.Вахидов, Н.Жўраев, М.Тўлахўжаева, Б.Хасанов, З.Маматов, Р.Холбеков ва бошқа бир қатор олимлар томонидан билдирилган назарий ҳамда амалий таклифлари муҳим аҳамиятга эгадир.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ишнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида номоддий активларнинг аудитини ўтказиш методикасини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни ҳисобга олишда миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича илмий, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тижорат банкларда номоддий активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиқ бериш;
- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг аудити манбалари ва вазифаларини ёритиш;

- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобини ташкил қилиш методикасини ўрганиш ва уни мукамаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш йўллари кўриб чиқиш;

- тижорат банкларда номоддий активларни ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва унинг методикасини ўрганиш;

- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг энг самарали бўлган усуллари амалиётга татбиқ учун назарий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан изоҳланади;

- тижорат банкларда номоддий активларнинг кирим қилиниши, ҳаракати ва чиқиб кетиши ҳисобининг аудити тадқиқ қилиш.

**Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб,** ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиали бўлиб, унинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларидан кенг фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари.** Ўзбекистон Республикасининг хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг маъруза ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлигининг ҳисоб тизими услубиятига доир меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил этади.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида мавзуга оид хорижий, республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, ТИФ «Миллий банк»нинг хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгиликлари** қуйидагилар билан белгиланади:

- тижорат банкларда номоддий активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти очиқ берилди;

- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг аудити манбалари ва вазибалари ёритилди;

- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобини ташкил қилиш методикасини ўрганиш ва уни мукамаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш йўллари кўриб чиқилди;

- тижорат банкларда номоддий активларни ҳисобининг ҳозирги ҳолати ва унинг методикаси ўрганилди;

- тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг энг самарали бўлган усулларини амалиётга татбиқ учун назарий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш билан изоҳланди;

- тижорат банкларда номоддий активларнинг кирим қилиниши, ҳаракати ва чиқиб кетиши ҳисобининг аудити тадқиқ қилинди.

**Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Олий таълим муассасаларида “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитишда услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида келтирилган амалий тавсиялардан ТИФ «Миллий банк»да бухгалтерия ҳисобини юритишда услубий кўрсатма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши.** Кириш, ўзаро боғланган учта та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари**

### **1.1. Номоддий активларга иқтисодий таъриф ва уларнинг таснифи**

Номоддий активлар субъектнинг мулки ҳисобланган узоқ муддатли активларнинг асосий қисми бўлиб ҳисобланади, чунки субъект ўз вақтида ушбу активларни ишлатиш ҳисобидан даромад олиш учун мақсадини кўзлайди.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар асосий воситаларга ўхшаб таърифга эга, яъни улар субъект томонидан фойдаланиш учун сақланади, узоқ муддатли асосда ишлатилиш мақсадида олинади ва оддий фаолият жараёнида сотилиш учун мўлжалланмаган бўлади.

Номоддий активлар узининг бажарадиган вазифаси ва бошқа асосий хусусиятлари билан асосий воситаларга ўхшайди, шунинг учун ҳам узоқ муддатли активлар гуруҳида жойлашган, лекин жисмоний жиҳатга ҳамда кўринишга эга эмас.

Номоддий активлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- субъект фаолиятида фаол фойдаланилади, сармоя сифатида сақланмаслиги ва сотиш учун олинмаслиги керак;
- уз хизмат муддати давомида фойда келтиришилозим;
- ҳамма вақт моддий моҳиятга эга булавермайди.

“Номоддий активлар” 7-сон БХМС уларни хужалик юритувчи субъектлар томонидан хужали фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун назорат қилинадиган ҳамда узоқ муддат (бир йилдан ортиқ) фойдаланишга мўлжалланган моддий-ашёвий моҳиятга эга бўлмаган мол-мулк объектлари сифатида белгилайди. Номоддий активларнинг қиммати улар эгаларига берадиган узоқ муддатли ҳуқуқи ёки афзалликлардан иборат.

Патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари, лицензиялар, ноу-хау, фирма баҳоси (гудвилл) номоддий активларнинг энг оддий намуналари ҳисобланади.





### 1-чизма. Номоддий активларнинг таркибланиши

Номоддий активлар худди моддий активлар ҳисоби тамойиллари сингари ҳисобга олинади: актив қиймати сотиб олишдаги ҳақиқий харажатлар суммаси бўйича акс эттирилади ҳамда келгусида ундан фойдали фойдаланиш муддати мобайнида чиқимларга ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати қуйидаги даврлар давомида мунтазам равишда тақсимланиши лозим:

-унинг фойдали хизмат муддати, бироқ субъект фаолияти муддатидан ошмаслиги керак;

-фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаганда 5 йил ҳисобида (лекин субъект фаолияти муддатидан ошмайди);

-20 йилдан ошмаслиги керак бўлган муддат (бироқ субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) – гудвил учун.

Хизмат муддатини аниқлаш номоддий активларнинг қуйидаги тавсифларига мувофиқ амалга оширилади:

- фойдали фойдаланиш муддатини чекловчи меъерий-ҳуқуқий ёки юкланадиган шартномалар;

- амал қилишни тиклаш ёки узайтириш шартлари;
- хизмат муддатини кискартиришга кодир бўлган маънан эскириш, талабнинг узгариши ва бошқа иктисодий омиллар окибатлари;
- активнинг мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлган айрим ходимлар гуруҳининг компаниядаги меҳнат фаолияти муддати;
- компаниянинг нисбатан афзалликларга эгаллигини кискартиришга кодир ракибларнинг кутилаётган ҳаракатлари;
- активдан фойдали фойдаланиш муддатининг чекланмаганлиги, у амалда чексиз булиши мумкин ва шу сабабли аниқ белгиланмайди.

"Номоддий активлар" Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сон миллий стандарти (7-сонБХМС)га асосан ҳисоби юритилади. 7-сон БХМСнинг мақсади мулк, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш услубиятини белгилаш ҳисобланади<sup>2</sup>.

Алмаштиришга тегишли номоддий активлар - булар фирманинг бошқа активларидан алоҳида идентифициялаштириладиган ва алоҳида сотилиши мумкин бўлган номоддий активлар демакдир. Масалан, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франшиза ва савдо маркалари (лекин ташкилий харажатлар эмас). Улар сотиб олинган ёки фирма ичида ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

Кўйида алмаштиришга тегишли бўлган, субъектлар фаолиятида нисбатан кўпроқ учрайдиган айрим номоддий активлар келтирилган.

Патент - юридик тан олинган ва рўйхатдан ўтказилган мутлақ ҳуқуқи. Патент ҳуқуқи унинг эгасига патентга таълуқли бўлган буюмни, жараённи ёки фаолиятни фойдаланиш, банк, сотиш ва назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда четдан бошқа шахслар бевосита аралаша олмайди. Амалда, патент органларида патентни рўйхатдан ўтказиш уни ҳимоя қилиш

---

<sup>2</sup> Ўзб.Р.МВ.25.05.2005.№35 Буйруғи. 7-сон БМС"Номоддий активлар"

кафолатини бермайди. Патент судда муваффақиятли ҳимоя қилинмагунга қадар рақобатбардош бўлолмайди. Шунинг учун судда муваффақиятли ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатлар патент қийматининг бир қисми сифатида сармояланиши ҳақида умумий битим мавжуд. Агар суд муҳокамасида ютказилган бўлса, бу билан боғлиқ бўлган харажатлар патентнинг амортизация қилинмаган қийматига тенглаштирилиб, ҳисобдан чиқарилади. Патентнинг баланс қиймати зарар кўрилгандан кейин, нуль ҳолатга келиб қолиши мумкин бўлган қийматигача қисқариши мумкин. Бундан келган зарар бухгалтерия ҳисобида патент қиймати қанча кўп сумма камайганига қарамадан тан олинishi керак.

Саноат дизайнини рўйхатдан ўтказиш ишлаб чиқарилаётган буюмнинг шакли намунаси ёки безакларига нисбатан берилган патентга ухшашдир. Саноат дизайнини рўйхатдан ўтказишда ташқи кўриниш ҳимоя воситасини бажарса, патент фаолият кўрсатишини ҳимоя қила олади, Масалан, компьютер терминалининг янги дизайни дизайнини рўйхатдан ўтказиш билан ҳимояланади, янги 486-компьютер эса патент билан ҳимояланади.

Муаллифлик ҳуқуқии - бу муаллифларга адабиёт, мусика, тасвирий санъат ва бошқа яратилган асарлар учун қонун йўли билан берилган ҳимоя шакли- Муаллифлик ҳуқуқии эгаларига маълум эксклюзив ҳуқуқилар, жумладан уз ишларини чоп эттириш, қайта босиш ва кўпайтириш, сотиш ва нусхаларини тақсимлаш ва уз асарларини ижро этиш ҳамда ёздирish ҳуқуқии берилади.

Муаллифлик ҳуқуқиининг қиймати таннарх принципига мувофиқ ҳолда ҳисобланади. Кўпинча муаллифлик ҳуқуқии жами амал қилиш муддати давомида иқтисодий қийматга эга бўлмайди. Муаллифлик ҳуқуқиининг қиймати муаллифлик ҳуқуқии доирасига тегишли иш даромад келтирилиши мумкин бўлган давр мобайнида амортизация қилиниши мумкин эмас. Бироқ муаллифлик ҳуқуқии ҳеч қандай ҳолатда узининг амал қилиш муддатидан ортикча вақт мобайнида амортизация қилиниши керак эмас (муаллифнинг ҳаётлик даври ва яна 50 йил).

Савдо маркаси ва савдо намуналари. Савдо маркалари ёки савдо намуналари (Кока-Кола) - булар компаниялар томонидан махсулот ёки хизмат учун берилган номлар, ёхуд идентификацияни аниқловчи бошқа рамзлардир. Улар эгалик қилишни асосли равишда олиб бориш учун рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Рўйхатдан утган савдо маркалари ва савдо маркалари уларни ноаниқ даврга муддатини узайтириш йўли билан янгиланиши мумкин. Бу ҳолда номлар, рамзлар ёки махсулот идентификациясини белгиловчи бошқа рамзлар юридик ҳимояланади.

Савдо маркаси сотиб олишда тўланган пул маблағлари суммаси капитализацияланади. Савдо маркасини банк, ҳимоялаш, кенгайтириш, рўйхатдан ўтказиш ёки судда ҳимоялаш натижасида юзага келган пул маблағлари капитализация қилинади, Бундай сармояланган суммалар савдо маркаси хизматининг фойдаланиш муддати ёки 40 йил давомида, бу муддатлардан қайси бири киска бўлишига қараб амортизация қилинади.

Франшизалар (масалан, кабель телевиденияси компанияси) одатда ҳукумат органлари томонидан давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқиига эгалик қилиш ёки коммунал хизмат кўрсатиш (электр токи) учун ва хўжалик субъектлари томонидан конкрет бир ишлар ва конкрет хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан эгалик қилиш учун такдим қилинади (масалан МакДоналдс). Франшиза тўғрисидаги ҳар бир контракт франшизанинг амалда бўлиш даврини, шунингдек франчайзор (фойдаланиш ҳуқуқиига имтиёз берувчи субъект)нинг ҳамда франчайзи (бу имтиёзни олувчи субъект)нинг ҳуқуқи ва Мажбуриятлари конкрет белгилаб беради.

Кўпинча франшизанинг харид нархи юқори бўлади ва одатда франшизани харид қилаётган субъект имтиёз берувчи субъектга имтиёз учун дастлабки нархни тўлашини талаб қилинади. Франшизанинг дастлабки нархи сармоя қилиниши керак ва сўнгра харажатларга олиб борилиши керак. Агар франшиза маълум бир вақт даври билан чекланган бўлса, унинг қиймати рационал ва систематик тарзда фойдаланилган даврга амортизация қилиниши керак. Агар вақт даври аниқланмаган бўлса, амортизация вақти-вақти билан

баҳоланган аниқ белгиланган хизмат муддатига асосланиши керак. Бундай баҳолаш ишлари бундан кейинги баҳолаш ишларининг заруратини аниқлаш мақсадларида ўтказилади, бироқ тўла амортизация даври 40 йилдан ошмаслиги керак.

Имтиёздан фойдаланувчи субъект томонидан унга имтиёз берувчи субъектга хизматлар, масалан рағбатлантирувчи компанияларда ҳамкорлик қилиш, бухгалтерия ҳисобида ва ташкилий масалаларда харажатлар олиб борилиши керак, чунки улар улчанадиган бўлгуси даромадни келтирмайди. Агар франшиза уз қийматини йукотса ёки қонун йўли билан бекор қилинса амортизацияланмаган сумма зудлик билан зарарга олиб борилиши керак,

Ижара - бу бир томоннинг иккинчи томонга активдан фойдаланиш учун тақдим қилинган ҳуқуқи. Кўпинча субъект бошқа субъектдан ёллаш\_ ҳақидаги хўжалик шартномасига мувофиқ мулкни ижарага олади ва дастлабки тўловни амалга оширади- Тўланган дастлабки ижара хақи, масалан Мажбуриятларни камайтириш бўйича тўловлар, кўпинча жами ижара даврини коплайди. Олдиндан ўтказилган бундай тўлов дастлаб "Бунак (аванс) тарикасида тўланган ижара" деб аталувчи сўтга олиб борилиши керак. Бундай активнинг қиймати 56202-"Ижара бўйича харажатлар" сўтининг дебети орқали ҳисобдан чиқарилиши керак.

Ижарага олинган мулкнинг ҳолатини яхшилаш қиймати (ижара ҳақидаги хўжалик шартномаси бўйича), масалан ижарага олинган мулкни модификациялаш, яъни тури ёки шакли ўзгарса, ижарага олинган мулк сўтининг дебетига олиб борилади. Ижарага олинган мулкнинг ҳолатини яхшилаш одатда хатто ижарага олинган мулк ижарачига тегишли бўлмаса ҳам, номоддий активлар сифатида классификацияланади. Ижарага олинган мулкни такомиллаштириш қиймати колган ижара даври ёки яхшиланган хизмат муддатига, бу даврларнинг қайси бири кискалигига боғлиқ ҳолда, амортизация қилиниши керак.

Одатда бухгалтерия балансларида моддаларнинг қуйидаги классификацияси мавжуд: номоддий активлар, муддати узайтирилган

харажатлар ва бошқа активлар. Бу номоддий активлардан айримлари иккита махсус характеристикага эга: улар узоқ муддатли аванс тўловлари бўлиб ҳисобланадилар, ва уларга эгалик қилувчини бошқа томонга сотиши мумкинлиги ҳуқуқларини бермайди, Бу номоддий активлар алоҳида идентификацияланиши мумкин, лекин алмаштиришга тегишли эмас.

Муддати узайтирилган харажатлар, одатда улар бухгалтерия ҳисобида шундай аталади -булар келгусида даромадларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган хизматлар учун қилинган харажатлар бўлиб, улар балансида узоқ муддатли олдиндан тўланган харажатлар сифатида акс эттирилади. Муддати узайтирилган харажатлар узоқ муддатли активлар сифатида классификацияланади, чунки улар жорий активлар фаолият кўрсатган муддат утгандан сўнг даромадга таъсир кўрсатадилар. Муддати узайтирилган харажатлар жисмоний кўринишга эга эмас. Муддати узайтирилган харажатларга асбоб-ускуналарни қайта кўришга кетган харажатлар, сугўрта бўйича узоқ муддатли олдиндан тўланган бадаллар ва олдиндан тўланган ижара тўловларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Илмий текшириш ва ишланмалар (НТИ)га кетган харажатлар, шунингдек ташкилий харажатлар камдан-кам капиталлаштирилади. Бироқ агар улар капиталлаштирилса, одатда муддати узайтирилган харажатлар сифатида классификацияланадилар.

Муддати узайтирилган харажатлар даромад олиш мумкин бўлган вақт мобайнидаги келгуси даврларга амортизация қилинади. Номоддий активларнинг 40 йиллик энг юқори амортизация хизмат муддати, шунингдек муддати узайтирилган харажатлар таркибига киритилади. Бироқ камдан-кам ҳолларда муддати узайтирилган харажатлар 40 йиллик хизмат муддатига эга бўладилар.

Банк фаолиятининг муддати ноаниқ бўлганлиги сабабли бу харажатлардан даромад олиш даврини одатда аниқлаб бўлмайди. Ташкилий харажатларки актив сифатида тан олиш бизнеснинг конкрет турига боғлиқдир. Ташкилий харажатлар одатда ихтиёрий тарзда эркин танлаб

олинган киска давр ичида амортизация қилинади. Умуман олганда ташкилий харажатлар ўзларининг ноаниқ табиатларига кўра энг кўп 40 йиллик хизмат муддати қоидасига мувофиқ ҳолда амортизация қилинмайдилар.

## **1.2. Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олишнинг моҳияти, аҳамияти ва баҳоланиши**

Номоддий активларни ҳисобга олишнинг асосий принциплари қуйидагилардир.

1. Харид қилиб олишда таннарх принципини қўллаш.
2. Фойдаланиш давридаги мутаносиблик принципини қўллаш, бунда қилинган харажатлар ва бу харажатлар эвазига олинган даромад бир вақтда акс эттирилиши талаб қилинади.
3. Муомаладан чиқим қилинаётганда даромадни эътироф этиш принципини қўллаш, яъни чиқим қилишда, олинган тўлов ва муомаладан чиққан активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарққа тенг бўлган фойда ёки зарар эътироф этилади.

Авваллари номоддий активлар кутилаётган хизмат муддати асосида ҳисобга олинган. Чекланган хизмат муддатига эга бўлган номоддий активлар узининг тахмин қилинаётган фойдаланиш даври давомида амортизация қилинар эди. Хизмат муддати аниқланмаган номоддий активлар уларнинг хизмат муддати ҳақида реал тахмин юзага келмагунча амортизация қилинмас эди. Бундай реал тахминлар кўпинча юзага келмас ва бундай номоддий активлар ҳеч қачон амортизация қилинмас эди. Бироқ бу тажрибага барҳам берилди ва қуйидагилар кузда тутилди:

Қиймат принципига мувофиқ номоддий активлар харид қилинаётганда, улар сотиб олиш нархи бўйича акс эттирилиши керак. Харид қилиш нархи активни сотиб олиш билан боғлиқ барча сарф - харажатларни камраб олади, жумладан сотиб олиш нархи, ташиш ва юридик харажатлар ҳамда сотиб олиш билан боғлиқ бошқа тўрли харажатларни уз ичига олади. Сотиб олиш қиймати - барча тўловлар ёки олинган активнинг жорий бозор қийматини англатади (қайси бири аниқроқ белгиланишига қараб). Агар номоддий актив

тўла ёки қисман бартер асосида пул олинмасдан харид қилинган бўлса, унинг жами қиймати пул воситасида тўланган сумма ва пулсиз тўловнинг жорий бозор нархидан иборат бўлади. Агар бу нархни аниқ белгилаш имкони бўлмаса, сотиб олинган номоддий актив бозор нархлари асосида аниқланади. Масалан, агар патент корпорация томонидан капиталнинг ўрнини тўлдириш мақсадида акциялар эмиссияси ҳисобидан сотиб олинган бўлса, патент қиймати чиқарилган акцияларнинг жорий бозор нархлари билан аниқланади. Агар патент сотиб олиш учун чиқарилган акциялар аниқ бозор қийматига эга бўлмасалар тегишли микдорда патентнинг бозор қиймати исботи операция қиймати кўрсаткичи сифатида ишлатилиши керак.

Номоддий активлар таркибига таъсис ҳужжатларига мувофиқ тан олинган ташкилий харажатлар (юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар) ҳам ҳисобга олинади.

Номоддий активлар таркибига субъект ходимларининг интеллектуал ва ишчан сифати, уларнинг малакаси ва меҳнатга қобилияти киртилмайди, чунки улар ўзларининг эгаларидан ажралмас ҳисобланади ва уларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

7-БҲМСда ишлатиладиган номоддий активларга қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар берилган:

а) **номоддий активлар** - субъект томонидан улардан ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

б) **амортизация** - фойдали хизмат муддати мобайнида номоддий активнинг амортизацияланадиган қийматини унинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва киритиш;



в) **амортизацияланадиган қиймат** - тахмин қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

г) **фойдали хизмат муддати** - субъект томонидан активдан фойдаланиш кўзда тутилган давр ёки субъект ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

д) **бошланғич қиймат** - номоддий активларни яратиш (ишлаб чиқиш) ёки сотиб олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар қиймати (пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларининг суммаси ёхуд бошқа тўловларнинг жорий қиймати), шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар қиймати;

е) **тугатиш қиймати** - номоддий активнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда унинг фойдали хизмат муддати охирида активни тугатиш чоғида олиниши кутилаётган, активнинг тахмин қилинаётган (баҳоланган) суммаси.

ж) **жорий қиймат** - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича номоддий активларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, бир-биридан мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;

з) **қолдиқ (баланс) қиймат** - номоддий актив молиявий ҳисобот (бухгалтерия баланси)да акс эттириладиган, бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган миқдор;

и) **фаол бозор** - олди-сотди объектлари бир турда (бир хил) бўлган ва ҳар қандай вақтда битимни амалга оширишни хоҳловчи манфаатдор сотувчи ва харидорларни топиш мумкин бўлган, шунингдек нархлар ҳақидаги маълумотлар ошкор (ҳаммабоп) бўлган бозор;

к) **мутлақ ҳуқуқ** - бу фақатгина ҳуқуқ эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда учинчи шахсга берилиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқ.

Номоддий активларнинг таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланилишини ва у моддий моҳиятга эга бўлмаслигини талаб этади. Моддий моҳиятга эга бўлмаган (пул маблағлари кўринишида бўлмаган) активлар, агарда юридик ҳуқуқлар, жумладан мулк ҳуқуқи билан ўзаро муносабатда бўлиши мумкин бўлган ва улардан узоқ муддат давомида фойдаланилган тақдирда номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати куйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

б) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ж) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олинishi керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш чоғида ҳақиқий харажатлар бухгалтерия ҳисобига дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси бўйича қабул қилинади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Банкнинг ўзи томонидан яратилган (ишлаб чиқилган) номоддий активларнинг бошланғич қиймати илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 3 декабрда 64-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар"га (11-сон БҲМС) (1998 йил 28 декабрда 581-сон билан рўйхатга олинган, "Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси", 1999й. 6-сон) мувофиқ белгиланади<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Ўз.Р.ВМ..1998 йил 28 декабрда 581-сон 11-сон БҲМС"Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар"

Номоддий активларни ишлаб чиқиш даврида уларни ишлаб чиқиш учун олинган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар ишлаб чиқилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Чет эл валютасида сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати мазкур БҲМСнинг 14-бандида назарда тутилган тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, сотиб олиш санасидаги чет эл валютасидаги суммаларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан сўмда белгиланади.

Субъект устав капиталига улуш ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати агарда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, субъект муассислари (иштирокчилари) томонидан келишилган уларнинг пулдаги баҳоси тан олинади.

Субъект томонидан бошқа шахслардан текинга (ҳада шартномаси бўйича) ва давлат субсидияси ҳисобига олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати мазкур БҲМСнинг 14-бандида назарда тутилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, агарда жорий қиймат ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозорни ҳисобга олган ҳолда белгиланган бўлса, ишончли ҳисобланган жорий қиймат бўйича аниқланади. Ушбу турдаги номоддий активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг бошланғич қиймати номинал қиймат бўйича ёки агарда номоддий активни фойдаланишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар мавжуд бўлса, уларнинг суммаси бўйича аниқланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг

эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда худди шундай бўлмаган номоддий активга айирбошлаш йўли билан олинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда худди шундай бўлмаган номоддий активга алмаштириш йўли билан харид қилинган номоддий активнинг бошланғич қиймати берилган номоддий активнинг айирбошланиш чоғида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг.

Номоддий актив дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда жамланган амортизация айирилган ҳолда бошланғич қиймат (қолдиқ қиймат) бўйича ёки қайта баҳоланган қиймат (мумкин бўлган муқобил усул) бўйича акс эттирилади.

Номоддий активнинг дастлаб тан олингандан сўнг молиявий ҳисоботда акс эттиришда қўлланадиган усул мажбурий тартибда субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак.

Номоддий активларнинг бошланғич қиймати дастлаб мўлжалланган келгусидаги иқтисодий фойдани оширишга имкон берадиган, ушбу номоддий активларни такомиллаштириш ва уларнинг имкониятлари ва фойдали хизмат муддатини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига оширилади.

Субъект активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган кутилиши мумкин бўлган иқтисодий шароитлар ҳақидаги раҳбариятнинг жуда яқинлаштирилган баҳосини ифодаловчи асосланган ва тасдиқланган тахминидан фойдаланган ҳолда келгусидаги иқтисодий фойда олиш эҳтимолини баҳолайди.

Номоддий активларни қайта баҳолаш - номоддий активларнинг баланс (тиклаш) қийматини жорий бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Субъект қайта баҳолашни агарда жорий қийматни фаол бозор маълумотлари асосида аниқ белгилаш мумкин бўлган шартларда қайта баҳолаш санасидаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга ошириши мумкин.

Қайта баҳолашни етарлича мунтазамлик билан амалга ошириш лозим, токи баланс (тиклаш) қиймати баланс ҳисоботини тузиш санасидаги бозор қийматидан фарқ қилмасин.

Номоддий активни қайта баҳолаш чоғида ушбу қайта баҳоланаётган актив тааллуқли бўлган бир турдаги номоддий активларнинг барча гуруҳи қайта баҳоланиши керак, бундай активлар учун фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда жорий (тиклаш) қиймати бўйича акс эттирилади.

Номоддий активнинг жорий қийматини номоддий активнинг ушбу тури бўйича фаол бозор нархлари асосида белгилаш мумкин.

Агар илгари қайта баҳоланган номоддий активнинг жорий қийматини фаол бозор маълумотлари асосида бошқа белгилаш мумкин бўлмаса, номоддий активнинг баланс қиймати жамланган амортизация чегирилган ҳолда, фаол бозор маълумотлари асосида унинг охириги қайта баҳоланган санадаги тиклаш қиймати бўлиши керак.

Номоддий активларни қайта баҳолашда жорий қийматни ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун субъектнинг ихтиёрига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

а) тайёрловчи фирмалар ва уларнинг расмий дилерлари ҳамда ваколатхоналаридан ёзма шаклда олинган худди шундай номоддий активга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва номоддий активларни харид қилиш санасига Марказий банк курсларининг нисбати сифатида аниқланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда номоддий активларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда);

в) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётлар ва шу қабиларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) тегишли номоддий активнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

Номоддий активларнинг бошланғич (тиклаш) қийматини қайта баҳолаш чоғида уларнинг қайта баҳолаш санасидаги жамланган амортизацияси номоддий активларнинг бошланғич (тиклаш) қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинчалик амортизацияни ҳисоблаш қайта баҳоланган (тиклаш) қийматидан амалга оширилади. Қайта баҳолаш индекси номоддий активнинг жорий қийматини унинг бошланғич қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активларнинг қўшимча баҳоланган суммаси резерв капитали таркибига "Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағига ўтказилади.

Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар қийматининг камайиш суммаси аввалги ҳисобот давларида ўтказилган ушбу объектнинг қўшимча баҳолаш суммаси чегарасида "Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" ҳисобварағи бўйича резерв капиталини камайтиришга олиб борилади. Объект қийматининг камайиш суммасининг унинг қўшимча баҳолаш суммасидан оқориси бошқа операцион харажатларга киритилади.

Номоддий активларнинг қайта баҳолаш натижалари номоддий активларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий даврда молиявий ҳисоботда акс эттирилади.

### **1.3. Тижорат банкларда номоддий активлар ҳисобининг аудити манбалари ва вазифалари**

Номоддий активлар бўлиб, корхонага мулкчилик ҳуқуқларида тегишли бўлган аниқ, моддий асосга эга бўлмаган, пул шаклида бўлмаган активлар ҳисобланади, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда, ижара учун ёки маъмурий мақсадларда бир йилдан ортиқ ишлатилади ва даромад келтиради.

Номоддий активларнинг ҳисобини юритишда меъёрий Бухгалтерия ҳисобининг 7-миллий стандарти меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Улар қуйидагилар:

- фан, адабиёт, маънавият асарларига бўлган авторлик ва бошқа шарномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар;

- ихтирочилик патентлари, ишлаб чиқариш намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари ва хизмат қилиш белгилари, уларни ишлатиш учун лицензион шартномалар;

- "ноу-хау" ҳуқуқлари;

- табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари;

- қолдирилган харажатлар (ташкилий харажатлар ва илмий изланиш ва тажриба конструкторлик ишланмалар);

- фирма нархи (гудвилл) ва бошқалар;

- номоддий активлар корхонага қуйидаги манбалардан келиб тушади:

- сотиб олиш йўли билан;

- хиссадорлар томонидан устав капиталига хисса кушиш йўли билан.

Аудитор номоддий активлар банкга қайси манбалардан келиб тушишидан каътий назар "Номоддий активларни қабул қилиш далолатнома"лари билан расмийлаштирилиши, бунда унинг тартиб рақами, номоддий активларнинг корхонага қабул қилинган вақти, баланс қиймати, хизмат муддати, эскириш меъёрини текширади.



«Номоддий активлар» счётининг аналитик ҳисоби бўйича АВ 6- шакли ва 17- сонли тулов қайдномаси ёки синтетик ҳисобда йиғма қайдномада ҳисоб юритилиши текширилади.

Уларни қабул қилишда тегишли комиссия аъзолар белгиланганлиги ва қабул қилиш далолатномаларидаги имзоларини текширади. Қабул қилинган номоддий активларга тегишли инвентар карточкалар юритилиш тартибини аниқлайди.

Номоддий активларни баҳолаш қуйидагича:

- бошқа корхона устав капиталига номоддий активлар билан киритиш шартномали нархда баҳоланади (бозор нархида);
- туловли сотиб олиш сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатлар бўйича;
- эксперт билан бошқа шахслардан қайта риб бермаслик шarti билан олинган номоддий активлар эксперт йўли билан белгиланган қийматда.

Номоддий активлар ҳисоби

16600 - Номоддий активлар

16601 - Номоддий активлар

16605 - Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

16609 - Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар

16617 - Гудвилл

16699 - Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) счётида бухгалтерия ёзувларини амалга оширилиш бўйича ҳисоб китобларини назорат қилади ҳамда текширади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ҳам очиб бериши керак:

- а) баланс қиймати корхонанинг молиявий ҳисобот учун муҳим ҳисобланган номоддий актив тавсифи, баланс қиймати ва қолган амортизациялаш даври;

б) эгалик қилиш ҳуқуқида чекловлар мавжуд бўлган номоддий активларнинг умумий баланс қиймати, шунингдек мажбуриятлар бўйича кафолат сифатида берилган номоддий активларнинг умумий қиймати;

в) амортизация ҳисобланмайдиган номоддий активлар тавсифи ва баланс қиймати ҳамда амортизация ҳисобланмаслиги сабаблари.

Номоддий активлар моддаларининг қайта баҳоланган қийматларини акс эттиришда қуйидаги ахборотлар очиб берилиши керак:

а) жорий қиймат белгиланган асос;

б) қайта баҳолаш ҳақиқий санаси;

в) номоддий активларнинг ҳар бир гуруҳи учун, бунинг сабаблари билан бирга уларнинг жорий бозор қийматини аниқ белгилаш мумкин бўлмаган активларнинг баланс қиймати;

Аудитор томонидан тижорат банки бухгалтериясида номоддий активларнинг инвентар карточкаларини юритиш моддий жавобгар шахслар бўйича номоддий активларни ҳисобга олиш ташкил этилганлиги, номоддий активларнинг ҳисобга олишда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганлиги ва мавжудлиги текширилади.

Бундай текшириш жараёнида танлаб инвентар дафтарларининг маълумотлари номоддий активлар ҳаракати бўйича бирламчи ҳужжатлар маълумотлари билан солиштирилади. Маълумотларни таққослаш чоғида номоддий активлар объектлари бўйича кирим қилиниши дафтарларда канчалик ўз вақтида акс эттирилиши, уларнинг ҳужжатлар асосида объектларнинг муҳим белгилари тўғри келтирилганлигини аниқлайди.

Аудит жараёнида қуйидагилар амортизация меъёрлари номоддий активларнинг баланс қийматига нисбатан қўлланилиши, тузатиш ишларининг ҳужжатларда расмийлаштирилиши ва уларнинг реал ҳажмини аниқлаши лозим.

Бундан ташқари, қайта рўйхат қилиш жараёнида яроксиз, маънавий ва тўлиқ эскирган, номоддий активларнинг мавжудлиги аниқланади, бироқ

турли сабаларга кўра, фойдаланилмаётган номоддий активларнинг алоҳида рўйхати тузилади.

Номоддий активларнинг ҳисобини аудит қилишда қуйидаги манбалардан фойдаланилади:

- яратилган номоддий активлар объектларини ишга тушириш тўғрисидаги далолатномалар;

- номоддий активларни қабул қилиш топшириш далолатномалари (АВ-1 шакли);

- номоддий активларнинг банк бўлимлари ичидаги ҳаракати далолатномалари (АВ-2 ав шакл);

- номоддий активларни такомиллаштиришдан қабул қилиш далолатномалари (АВ-3 шакл);

- номоддий активларни ҳисобдан чиқариш далолатномалар (АВ-4 шакл)

- асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкалар (АВ-7 шакл);

- номоддий активларни гуруҳлари бўйича ҳисобга олиш инвентар карточкалар (АВ-9 шакли);

- номоддий активларнинг инвентар карточкалари рўйхати (АВ-10 шакл)

- номоддий активлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш дафтарлари (АВ-12 шакл);

- номоддий активларнинг жамлама инвентар рўйхати ( АВ-10,13 шакллар);

- эскириш ва амортизация ҳисоблаш қайдномалари;

- инвентар рўйхати ва таккословчи қайдномалар (ИНВ-17);

- номоддий активларни яратиш харажатларини ҳисобга олиш китоби;

- йиллик ҳисоботларидан фойдаланилади.

Номоддий активларни аудит қилишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат :

1. Номоддий активларни ҳисобга олишда уларни кирим қилиш ва айланишини тўғри акс эттирилганлиги;

2. Номоддий активларнинг сақланиши таъминланганлиги;

3. Номоддий активларнинг чиқиб кетишини расмийлаштиришнинг асосланганлиги ва уларни ҳисобдан чиқарилишидан молиявий натижани бухгалтерия ҳисобидан тўғри акс эттирилганлиги;

4. Фойдаланилмаётган номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги;

5. Сотиш баҳосини белгилаш ва ортикча номоддий активларни сотиш операцияларини ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги;

6. Номоддий активлар бўйича операциялар ҳисобда акс эттириш зарурлиги ва тўғрилиги;

7. Номоддий активларни қайта рўйхат қилишнинг уз вақтида ва тўлик ўтказилиши, унинг натижалари ҳисобда акс эттирилишининг тўғрилиги;

8. Амортизация ажратмалари суммасини аниқлашнинг тўғрилиги, улар ҳисобда уз вақтида ва тулик акс эттирилиши;

9. Номоддий активлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бошқа операцияларининг қонуний равишда бажарилганлиги аниқланади.

Молиявий ҳисобот номоддий активлар учун ҳамда номоддий активларнинг ҳар бир гуруҳига нисбатан қабул қилинган ҳисоб сиёсатини қуйидагилар ҳақида очиқ кўрсатиши керак:

а) корхона томонидан номоддий активларнинг (алоҳида гуруҳлари бўйича) фойдали хизмат муддатларини белгиланиши;

б) номоддий активларнинг алоҳида гуруҳлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари;

в) корхонада мавжуд бўлган барча номоддий активларнинг ҳисобот даври боши ва охиридаги умумий баланс қиймати ва жамланган амортизация суммаси;

г) келиб тушиши, чиқиб кетиши ва бошқа ҳаракатлари натижасида ҳисобот даври боши ва охирида номоддий активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришлар;

д) корхонанинг ўзи томонидан яратилган номоддий активларнинг баланс қиймати.



## **II-Боб. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш**

### **2.1. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активларнинг кирими ҳисоби**

Келиб тушадиган номоддий активларнинг қиймати банк балансига киритилиши лозим.

Номоддий активлар қуйидагилар натижасида банк балансига киритилади:

- а) номоддий активни яратилишидан сўнг яратилган объектни қабул қилиш-топшириш;
- б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;
- в) устав капиталига муассислар (иштирокчилар)нинг улуши кўринишида келиб тушиш;
- г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);
- д) давлат субсидиялари ҳисобига олиш;
- е) айирбошлаш;
- ж) ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар объектларини аниқлаш ва бошқа асосларга кўра.

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

- а) ҳуқуқдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;
- б) ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

ж) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

з) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар худди асосий воситалар каби таърифга эга, яъни улар субъект томонидан фойдаланиши учун сақланади, узоқ муддатли асосда фойдаланиш учун сотиб олинади ва оддий фаолият жараёнида сотиш учун мўлжалланмаган. Номоддий активлар жисмоний кўринишга эга бўлмаган асосий воситалар сифатида белгиланади ва қуйидаги бухгалтерия счетлар режасининг счетларида ҳисобга олинади:

16600	-Номоддий активлар
16601	- Номоддий активлар
16605	- Номоддий активларнинг йигилган эскириш суммаси (контр-актив)
16609	- Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16617	- Гудвилл
16699	- Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Номоддий активнинг ҳаракати уланинг келиб тушиши, чикиб кетиши ва банк ичидаги ҳаракати билан ғолик бўлган хужалик жараёнлари таъсири остида содир булади. Ушбу банк жараёнлари тегишли ҳисоб ҳужжатларига асосан расмийлаштирилади.



## 2-чизма. Номоддий активларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари

ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалига келиб тушган номоддий активни банк бошқарувчиси томонидан тайинланган комиссия қабул қилади. Комиссия қабул қилган ҳар бир объект учун алохида бир нусхада номоддийни активни қабул қилиш - топшириш далолатномаси (ОС-1 шакл) тузилади ва уни банк бошқарувчиси тасдиқлайди. Бир нечта объект



учун умумий далолатнома факат ушбу объектларнинг хаммаси ягона типда булса ва уларнинг қиймати бир хил булса, шунингдек бир кунда битта жавобгар шахс томонидан қабул қилинганда тузиш мумкин. Далолатномаларда объектларнинг номи яратилган вақти, дастлабки қиймати, берилган инвентар номери, фойдаланиш жойи ва бошқа зарур маълумотлар қрсатилади. қабул қилинган объектни тавсифловчи техник хужжатлар далолатномага илова қилинади. ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг корхона бухгалтериясига топширилади ва уларга асосан бухгалтерияда асосий воситаларнинг инвентар карточкаларида тегишли ёзувлар амалга оширилади. Ундан сўнг техник хужжатлар доимий сақлаш учун тегишли бўлимларга берилади.

ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активнинг банк ичидаги ҳаракати юк хатига асосан (ОС-2 шакл) расмийлаштирилади. Унда топширувчи ва қабул қилувчининг исми, шарифи, лавозими, асосий воситаларнинг бирини иккинчисига бериш сабаблари ва асоси, объектнинг қисқача тавсифи, техник ҳолати қрсатилади. Юк хати икки нусхада тузилади ва топширувчи ҳамда қабул қилувчи имзо чекади. Юк хатининг бир нусхаси банк бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси топширувчида қолади ва у асосий воситаларнинг инвентар рўйхатидан чиқиши тугрисида белгини қуйиш учун асос булади.

Яралтилган номоддий активни объектни қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан (ОС-3 шакли) расмийлаштирилади. Далолатномада объектнинг дастлабки қиймати ва содир бўлган техник узгаришлардан сўнги қиймати ва бошқа зарур техник курсаткичлар акс эттирилади.

Ушбу ишларни банкнинг узи амалга оширса акт бир нусхада агар бошқа ташкилот амалга оширса икки нусхада тузилади ва далолатномада объектни қабул қилувчи ва топширувчилар уз имзолари билан тасдиқлайди.

**1-жадвал**

### **ОС-7 Инвентарь карточкалар рўйхати**

Карточка рақами	Инвентар рақами	Объект номи
981 ва ҳоказо	2264	Компьютер дастуридан фойдаланиш ҳқуқи

Номоддий активларнинг сони унчалик куп булмаган банкларда объектлар бўйича ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар дафтарида (№ОС-11 шакл) юритилиши мумкин. Дафтарга асосий воситалар уларнинг туркумлари бўйича ва фойдаланилаётган жойлари бўйича ёзилади.

## 2-жадвал

### АВ-8 шакл .Номоддий активдар ҳаракати ҳисоби карточкаси

Ҳисобот даври	Ҳисобот даврининг 1-кунда мавжуд бўлган асосий воситалар	Келди ҳаммаси	Кетди ҳаммаси	Шу жумладан эскириш ва ишдан чиқиши натижасида	Эскириш (ян-варь ойидаги ҳаммаси, кейинги ойлардаги ўзгариш суммалари)	Тугалланган кетган харажатлар
Апрель	135796000	11450000		-	9500000	4050 000
Май	147247000	18700000	3400000	2500000	840000	
Июнь	162547000	4500000	7000000	5500000	26050000	3600000
						3250000
Кварталга жами ва х.к.	X	34650000	1040000 0	8000000	26050000	10900000

Бухгалтерияда ижарага олинган номоддий активни бўйича инвентар карточкалари очилмайди. Аналитик ҳисобни ташкил қилиш учун эса ижарага берувчи тамонидан берилган номоддий активнинг инвентар карточкасининг кучирмасидан фойдаланилади.

Инвентар карточкалар тулгазилгандан сўнг махсус рўйхатда қайд этилади.  
карточкалар рўйхатда туркумдаги гуруҳлари бўйича жойлаштирилади.

### 3-жадвал

## Асосий воситалар ва номоддий активлар эскиришини ҳисобга олиш ҚАЙДНОМАСИ

2016 йил \_\_\_\_\_ учун

N т/р	Асосий воситалар ва номоддий активлар тури	Қисқача тавсиф	Фойдали фойдаланиш муддати	Ҳисобот даври бошига бўлган қолдик		
				сони	қиймати	ш.ж. қайта баҳолаш суммаси
1	2	3	4	5	6	7

Давоми

Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳаракатланиши						Ҳисобот даври охирига бўлган қолдик			
Дебет (кирим)			Кредит (чиқиб кетишлар)			Чиқиб кетиш сабаби	сон и	қиймати	ш.ж. қайта баҳолаш суммаси
сони	Бошла нҷич қиймат и	Қийма тнинг ўзгарт ирили ши	Сони	Тўпла нган эскири шнинг ҳисоб дан чиқар илиши	Баланс қийматин инг ҳисобдан чиқарили ши				
8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

Рахбар

(исм, шарифи)

(имзо)

Бош бухгалтер

(исм, шарифи)

(имзо)

М.Ў.

Инвентар карточкалардан ташқари номоддий активларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси ҳам юритилади. Унда банк ва унинг бўлимлари бўйича номоддий активнинг ҳаракати миқдори ва қиймати бўйича акс эттирилади.

Номоддий активлар ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, уларнинг баланс қиймати ва шу активларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган амортизация усуллари аниқлаш, шунингдек, номоддий активлар баланс қийматининг ўзгаришини аниқлаш ва ҳисобини юритиш, амортизацияни

ҳисоблаш тартиби ҳамда уларни ҳисобдан (яъни баланسدан) чиқаришдан кўрилган молиявий натижалар ҳисобини юритиш тартибларидан иборатдир.

Банкнинг номоддий активлари қуйидаги усулларда шаклланади:

- сотиб олиш;
- банк ичида ишлаб чиқиш (яратиш);
- текинга олиш.

Агар актив номоддий активнинг таърифига жавоб берса, банк томонидан келажакда иқтисодий самара олиш эҳтимоли мавжуд бўлса ва активнинг қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса, ушбу актив номоддий актив сифатида тан олинishi лозим. Ушбу талаб четдан сотиб олинган номоддий активлар билан бирга банк ичида яратилган номоддий активлар учун ҳам қўлланилади. Банк активдан унумли фойдаланиш муддати давомида мавжуд бўладиган ва келажакда олинадиган иқтисодий самара эҳтимолини баҳолаши керак. Номоддий активлардан келадиган келажакдаги иқтисодий самара, банк томонидан активдан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган, хизматларни сотишдан келиб тушган тушум, харажатларни тежаш ҳамда бошқа фойдаларни ўз ичига олиши мумкин. Агар номоддий актив, уларни номоддий актив сифатида тан олишнинг таърифига ҳам, мезонларига ҳам жавоб бермаса, ушбу модда бўйича харажатлар улар қайси даврга тегишли бўлса, шу давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Активларни номоддий актив сифатида таърифлаш имкони бўлмаган ҳолда, (баъзи номоддий активлар бирор предмет билан ёки унинг таркибида бўлиши мумкин), шу элементнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, аниқлаш керак бўлади (масалан, компакт-дискетадастурий таъминот ҳолатида, ҳуқуқий ҳужжатлар лицензия ёки патент олиш ҳолатларида).

Сотиб олинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини ўзгаришига уларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин. Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир

номоддий актив бўйича очилган тегишли шахсий ҳисобварақларда юритилади. Хорижий валютага сотиб олинган номоддий активлар, балансда миллий валютада Марказий банкнинг хорижий валютага нисбатан давлат божхона декларацияси расмийлаштирилган кундаги курси бўйича акс эттирилади ва хорижий валюта курсининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайди. Банк ичида яратилган номоддий активлар, балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активлар дастлаб балансда реал (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг қиймати, қонунчиликка мувофиқ баҳолаш фаолияти билан ҳуқуқланиш ҳуқуқига эга бўлган экспертлар томонидан ёки қабул қилиш ет топшириш ҳужжатларидаги активлар маълумотлари асосида аниқланади<sup>4</sup>.

Номоддий активлар қийматининг олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909 «Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар»

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи

Активлар келиб тушганда:

Дт 16541 «Номоддий активлар»

Кт 19909 «Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар»

Агар банк номоддий активлар келиб тушгандан кейин тўловни амалга оширса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Номоддий активлар келиб тушганда балансда қуйидагича акс этирилади:

Дт 16541 «Номоддий активлар»

Кт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

---

<sup>4</sup> Ф.Т.Абдувахидов. "Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби". Иқтисод-молия. Т-2012 й. 124-б

2) Номоддий активлар қиймати тўланганда:

Дт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи

Номоддий активлар бепул олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси расмийлаштирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг ҳақиқий қийматига:

Дт 16541 «Номоддий активлар»

Кт 30905 «Текинга олинган мулклар»

Банк ичида яратиладиган номоддий активларнинг сифати, номоддий активлар сифатида ҳисобга олиш меъзонлари талабларига жавоб бериши керак. Ишлаб чиқиш натижасида яратилган активлар, агар банк қуйидагиларни барчасини намоёйиш эта олса, балансда номоддий актив сифатида тан олинади.

## **2.2. Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олиш**

Номоддий активнинг фойдали хизмат қилиш муддати, мавжуд бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омиллар таъсир этишлари мумкин: иқтисодий омиллар иқтисодий самара олиш даврини аниқласа, ҳуқуқий омиллар эса банкнинг ушбу самаралардан фойдаланиш даврини чегаралайди. Бу ҳолда фойдали хизмат қилиш даври ушбу даврлар ичида энг қисқасини ташқил этади.

Технологик ўзгаришлар ёки хизмат бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати активнинг хизмат қилиш даври давомида, вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиши керак. Бундай ҳолда, фойдали хизмат қилиш муддати ва, ўз навбатида, жорий ва келажак даврлар учун амортизация миқдори мос равишда тўғриланади.

Активнинг амортизацияланадиган суммаси унинг баланс қийматидан активнинг ликвидация қийматини айириб ташлаш орқали аниқланади. қуйидагилардан ташқари ҳолларда, номоддий активнинг ликвидация қиймати нолга тенглаштирилиб қабул қилиниши лозим:

1) активни фойдали хизмат қилиш муддати охирида ушбу активни сотиб олишга учинчи шахс мажбурияти борлиги; ёки

2) актив учун амал қилаётган фаол бозор мавжудлиги ва:

а) ушбу бозорга асосланиб активнинг ликвидация қийматини аниқлаш мумкинлиги;

б) активнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида шундай бозорнинг мавжуд бўлиш эҳтимолдан ҳоли эмаслиги.

Амортизация усуллари:

Қўлланиладиган амортизация усули, ушбу актив бўйича банк томонидан олинадиган иқтисодий самаранинг схемасини акс эттириши керак. Агар бундай график (жадвал)ни аниқ белгилаш мумкин бўлмаса, унда амортизациянинг бир текисда ҳисоблаш усулидан фойдаланиш лозим.

Амортизация қуйидаги услубларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

1) бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули;

2) бажарилган ишларнинг ҳажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули;

3) қолдиқнинг камайиб бориш усули.

Активларнинг ҳар хил турларига амортизация ҳисоблашнинг турли усуллари қўллаш рухсат этилади. Бунда бир турдаги номоддий активларга фақатгина битта усул қўлланилиши керак. Эскиришни ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб юритиш сиёсати томонидан аниқланиши ва бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот даврига кетма-кет равишда қўлланилиб борилиши ҳамда йил давомида ўзгармаслиги керак.

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули номоддий активнинг эскириш суммасини унинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида, активнинг қийматидан келиб чиқиб, тенг ҳиссаларда ҳисобланиб боришини билдиради. Бунда қуйидаги формулани ишлатиш мақсадга мувофиқдир:

$\text{ЙЭС} = \frac{\text{АК}}{100} \cdot \text{АМ}$	$\text{АХМ} = \frac{1}{\text{АМ}} \times 100\%$	$\text{ОЭС} = \frac{\text{АК}}{12 \times 100} \cdot \text{АМ}$
--	---	--

1-чизма. Номоддий активнинг эскириш суммасини ҳисоблаш формуласи.

ЙЭС – йиллик эскириш суммаси

АК – активнинг амортизацияланадиган қиймати

АХМ – активнинг хизмат қилиш муддати

АМ – амортизация меъёри

ОЭС – ойлик эскириш суммаси

Бу услуб, активнинг амортизацияси фақатгина унинг фойдали хизмат қилиш муддатига боғлиқ, деган фикрга асосланган.

Бажарилган ишларнинг ҳажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули, активдан фойдаланишдан олинadиган иш (хизмат) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амортизация ҳисоблашни назарда тутadi. Бунда амортизация қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$\text{АС} = \frac{\text{АК}}{\text{МБФХМ}} \times \text{БДМБ}$
---

2-чизма. Бажарилган ишларнинг ҳажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули.

АС – амортизация суммаси

АК – активнинг амортизацияланадиган қиймати

БДМБ – берилган давр учун миқдор бирлиги



МБФХМ – бутун фойдали хизмат муддати учун ҳисобланган миқдор бирлиги

Бажарилган ишларнинг ҳажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули, эскириш фақатгина активдан фойдаланиш натижаси эканлиги ва уни ҳисоблаш жараёнида вақтнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги тўғрисидаги тамоилга асосланади.

Активдан изчиллик билан мунтазам фойдаланганда, айниқса илмий-техник тараққиётнинг катта таъсири бўлганда, активнинг эскиришини тезкор амортизация усулига асосланган ҳолда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

қолдиқни камайтириб бориш усули – активнинг фойдали хизмат давомида ҳисобланаётган амортизация суммасини камайтириб боришини назарда тутди. Бундай усулда текис ҳисоблаш усули бўйича қўлланилаётган нормал амортизация ҳолатидагига нисбатан икки марта оширилган амортизация нормаси олинади.

Номоддий активлар учун қўлланиладиган амортизация усули, мунтазам равишда қайтадан кўриб турилиши лозим. Шу активлардан келадиган иқтисодий самара олиш схемасида муҳим ўзгаришлар рўй берган ҳолда, бу ўзгаришларни акс эттириб бориш учун амортизация усулини ўзгартириш ва баҳолашнинг ўзгариши сифатида ҳисобга олиниши ҳамда жорий ва келгуси даврлар учун амортизация ажратмалари тўғриланиб борилиши лозим.

Амортизация ажратмалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали банк харажатларига ўтказиб борилади:

Дт 56618 «Номоддий активларнинг эскириш суммаси»

Кт 16545 «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси» (контр-актив)

### **2.3. Номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши ҳисоби ва уни такомиллаштириш**

Номоддий активлар балансдан қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- 1) тўлиқ эскирганда;
- 2) сотилганда;
- 3) текин берилганда;
- 4) форс-мажор ҳолатларда.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш натижасида пайдо бўладиган фойда ёки зарарлар, ҳисобдан чиқариш натижасида баҳоланган соф тушумлар суммаси ва активнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ҳамда даромад ёки харажат сифатида фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Фойдаланишдан тўхтатилган ва ҳисобдан чиқариш учун мўлжалланган номоддий активларнинг ҳисоби, активнинг фойдаланишдан чиқариш санасидаги уларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда, қолдиқ қиймат қуйидагича аниқланади:

- 1) жамғарилган эскириш суммасига:

Дт 16545 «Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси» (контр-актив)

Кт 16541 «Номоддий активлар»

- 2) ушбу номоддий актив бўйича 31501- ҳисобварақда қолган қолдиқ суммасига:

Дт 31501 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат»

Кт 31203 «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»

Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активлар сотилаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

- 1) Номоддий активлар жўнатилгандан кейин харидор томонидан тўлов амалга оширилган ҳолда:

Дт 19909 «Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар»

Кт 16541 «Номоддий активлар».

2) Тўлов келгандан кейинги бухгалтерия ёзувлари:

а) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Кт 19909 «Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар»

Кт 45917 «Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»

б) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Дт 55910 «Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»

Кт 19909 «Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар»

3) Тўлов олдиндан амалга оширилган ҳолда:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Кт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

ва бир вақтнинг ўзида:

а) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса:

Дт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

Кт 45917 «Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда»

Кт 16541 «Номоддий активлар»

б) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт 29802 «Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

Дт 55910 «Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»

Кт 16541 «Номоддий активлар»

Номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскириш, форс-мажор ҳолатлар билан боғлиқ бўлганда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарар сифатида ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

қолдиқ (ликвидация) қиймати суммасига:

Дт 55910 «Бошқа хусусий мулк активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»

Кт 16541 «Номоддий активлар»

Хизмат қилиш муддати тугашидан қатъий назар, агар номоддий активлар фойдаланиш учун яроқли (фойдаланиш мумкин) бўлса, банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда номоддий активларга эскириш суммаси ҳисобланмайди.

## **III-Боб. ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиалида номоддий активлар ҳисобининг аудити ва уни такомиллаштириш**

### **3.1. Тижорат банкларда номоддий активларнинг кирим қилиниши ва чиқиб кетиши ҳисобининг аудити ва уни такомиллаштириш**

Тижорат банкларда номоддий активларнинг кирим қилиниши бўйича операциялар қабул қилиш топшириш далолатномалари (АВ-1 шакл) билан расмийлаштирилади.

Номоддий активларни қабул қилиш қуйидаги манбалардан:

- номоддий активларни яратишдан ;
- сотиб олиш (бошқа банк, корхоналар ва аҳолидан);
- таъсисчилардан, хомийлардан, хамкорлардан олиш ва хоқозолар.

Номоддий активларнинг янги яратилган объектлари ўз вақтида кирим қилиниши, белгиланган тартибда объектларни қабул қилиш далолатномаларидаги санада объектни балансга қабул қилиб олиш бўйича ҳисобга олиш қайднома ҳисобварақлар ёзувидаги сана билан солиштириш оркали аниқлаш зарур<sup>5</sup>.

Номоддий активларни киримини текширишда, уларни сотиб олишнинг иктисодий самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек, ўз вақтида кирим қилинишини текшириш айниқса муҳимдир, чунки ушбу талабнинг бузилиши амортизация ва эскиришнинг тўғри ҳисобга олинмаслигига, банкнинг харажатларининг сунъий оширилишига ва молиявий натижаларнинг бузилишига нотўғри аниқланишига олиб келади.

Номоддий активнинг ўз вақтида кирим объект кирим қилиниши далилининг 16601-" Номоддий активлар" смети бўйича қайдномаларда акс эттирилиши санасини бирламчи ҳужжатларда (қабул қилиш топшириш далолатномалари текинга бериш ҳақидаги билдиришномалар, инвентар дафтарлари ва бошқалар) кўрсатилган сана билан солиштириш оркали аниқланади.

---

<sup>5</sup> Банковское дело. Учебник под ред. проф. Г.Г.Коробова. –М.: «Экономист» 2011. 26 б.

Тижорат банкининг бўлимларида номоддий активларнинг фойдаланиш жойи ўзгарганда бунинг иктисодий мақсадга мувофиқлигини текшириш зарур, чунки объектнинг жойи ўзгарганда тегишли далолатномалар расмийлаштириши зарур. Номоддий активларнинг ҳисобини ташкил қилиш ва уларнинг сақланишини назорат қилишни таъминлаш учун, инвентарь объектини фойдаланишда эканлигидан ёки захиралигидан каътий назар, уларнинг хар бири бўйича балансга қабул қилинганда тегишли инвентарь рақами берилди ва ёзиб қўйилди. Инвентарь рақами объектнинг жойи ўзгариши ва ҳисобдан чиқиб кетишига оид бўлган барча ҳужжатларда келтирилиши керак.

Номоддий активларнинг аналитик объектлари бўйича ҳисобга олиш инвентарь дафтарларида (АВ-7,9 шаклларда) ёки инвентарь карточкаларда ташкил этилиши керак. Номоддий активларни ишлатиладиган жойлар бўйича ҳисобга олиш эса, АВ-13 шакли инвентарь рўйхатларда ташкил этилганлигини аниқланиши лозим.

АВ-13 шакл инвентарь рўйхати бўйича қолдиклар суммасини АВ-10 шакл рўйхати қолдиги билан солиштиришда барча номоддий активларни моддий жавобгар шахсларга бириктирилган бириктирилмаганлиги аниқланади. Бу объектлар сақланишини таъминловчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Сўнгра АВ 10 шакл рўйхати бўйича қолдиклар суммаси Бош дафтардаги 16601-" Номоддий активлар" смети қолдиклари билан солиштирилади.

Номоддий активларнинг фойдаланиш жойлари бўйича харажатлари ҳисобда тўғри акс этирилганлигини текширишда бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Сотиб олинган номоддий активлар шартномали сотиб олиш нархи бўйича харажатларини ўз ичига олган(номоддий активларни сотиб олиш учун олинган кредит фоизларини, ККС қўшган ҳолда) қиймати бўйича қирим қилиниш тартиби текширилади. Шунингдек, асосий воситаларнинг фойдаланиш жойи ва моддий жавобгар шахслар бўйича аналитик ҳисобини таъминлаш учун номоддий активларнинг ички фойдаланиш жойи узгариши

АВ-2 шакли бўйича АВ-13 шаклдаги инвентарь рўйхатида тегишли ёзувлар кайд этилиши, номоддий активлар сотиб олинганда эса, банклардан, давлат ва хусусий корхоналардан, аҳолидан шартномага асосан келишилган баҳоларда қабул қилинлиги ҳам текширилади.

Яратилган номоддий актив счётида объектлар бўйича алоҳида ҳисобга олинадиган ва унинг таннари аниқланиб, ҳақиқий таннари номоддий активга тўғри қабул қилинганлигини аниқлайди.

Аудитор номоддий активларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ операцияларни ялпи текширади. Текшириш ишлари амалиётда тугатиш далолатномалари маълумотларини (АВ 4 шакл) техник ҳужжатлар маълумотлари (паспорт, фойдаланиш қўлланмалари ва бошқалар) инвентарь дафтарлардаги маълумотлар (АВ-7, 9 шакл) билан таққослаш, шунингдек, мазкур объект ишдан чиқгунга қадар ҳисобда бажарилган ёзувларни ўрганиш йўли билан аниқлаши мумкин.

Фойдаланилмайдиган номоддий активни ҳисобдан чиқариш тартиби ҳақидаги намунавий йуриқномага мувофиқ номоддий активни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи банкнинг ўзига берилган.

Номоддий активнинг самарасизлиги билан боғлиқ зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан банк бошқарувчисининг буйруғи билан бош мутахасис ёки жавобгарлик юкланган шахслардан, шунингдек, жамоа вакиллари билан иборат таркибда доимий комиссия тузилиши керак.

Бу комиссия томонидан тузилган активларни тугатиш ҳақидаги далолатномаларда (АВ-4 шакл) ҳисобдан чиқариш сабаблари батафсил баён қилиниши ҳисобдан чиқарилаётган тугатишдан олинган молиявий натижалар кўрсатилиши керак.

Аудитор фалокатлар оқибатида номоддий активни ҳисобдан чиқариш далолатномани текширишда фалокат тўғрисида далолатнома нусхаси мавжудлигини, шунингдек, фалокатни келтириб чиқарган сабаблар ҳақидаги ёзма тушунтириш қилиши керак.

Аудитор номоддий активнинг объектларини банк бошқарувчиси томонидан куриб чикмаган ва тасдикламаган далолатномалар билан ҳисобдан чиқарилган ҳолларнинг бор йуклигини текширади.

Номоддий активларга амортизация меъёрлари билан белгиланадиган фойдаланиш муддати давомида ишлатиш, уларни ҳисобдан чиқариш тўғрилигининг асосий мезони ҳисобланади.

Аудитор номоддий активларнинг нотўғри ва муддатдан илгари ҳисобдан чиқариши далилларини аниқлаш зарур. Шундан сўнг номоддий активларни тугатиш операцияларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текшириши лозим.

Номоддий активларни ҳисобга олинishi, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш натижалари бўйича оралик далолатномалар тузади.

### **3.2.Тижорат банкларида номоддий активларнинг амортизацияси аудити**

Тижорат банкларининг номоддий активлари фойдаланиш жараёнида эскириш ҳисобланиб боради. Бу эскиришнинг қиймати ишлаб банклар харажатига киритилади. Текшириш жараёнида амортизация ҳисобланган барча номоддий активлар қиймати ҳисобга олинади, эскириш меъёрлари тўғри қўлланилганлиги текширилади.

Амортизация ажратмалари тўғри ва ўз вақтида ўтказилишини аудит қилишда ҳисобот йил давомида банкда қабул қилинган ҳисобга олиш сиёсатига риоя қилиши, тулик тиклашга амаризация ажратмалари кайси усулларнинг қўлланилганлигини аниқлайди.

Амортизация ажратмалари аудитини йил бошида тузиладиган ҳисоб китобнинг тўғрилигини текширишдан бошлаш зарур.

Номоддий активлар объектларини амортизация ажратмалари ҳисоб китоби қайдномаларига киритишнинг тўғрилиги инвентарь дафтарлар бўйича текширилади. Белгиланган меъёрлар тўғри қўлланилганлигини текширишда



ҳисоб китоб учун ойлик меъёрларни йиллик меъёрларга айлантирилади. Сўнгра тафтиш қилинаётган даврдаги номоддий активлар ҳаракати хизматининг меъёрий муддатлари тугаши муносабати билан амортизация ажратмаларини тухтатишга боғлиқ операциялар амалга оширилган ойлар текширилади.

#### 4- жадвал.

### Номоддий активларга ҳисобланган амортизация ажратмаларини жамлаш усулида текшириш

	Объект номи	Даст-лабки қиймати	Амортизация нормаси		Амортизация суммаси		Фарқ ниманинг ҳисобига	
			Банк маълумотлари	Аудитор маълумотлари	Банк маълумотлари	аудитор маълумотлари	Норма ҳисобига	Ҳисоб-китоб ноаниқлиги
	Патент	100000	30	20	30000	20000	10000	-
	ва х. к.							
	Жами:							

Аудитор фойдаланилмаётган номоддий активлар бўлган объектлар нима учун ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмаганлигини, ортикча объектларни бериш ва сотишнинг қандай тадбирлари қурилганлиги, объектнинг коникарсиз ахволда бўлгани туфайли қурилган моддий зарар миқдорини аниқлайди.

Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиблари уларнинг ҳар бир тури бўйича тулик текширилади.

Номоддий активларнинг мавжудлиги қайта рўйхат қилиш йўли билан аниқланади. Тижорат банкларида қайта рўйхат қилиш йилига камида бир марта ўтказилади. Бунда ЎзР Молия вазирлиги томондан тасдиқланган "Асосий воситаларни, номоддий активлар, товар моддий бойликларни, пул маблағларини ва ҳисоб китобларни қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича асосий қоидалар"га амал қилади.

Номоддий активларни қайта рўйхатдан ўтказишдан олдин қуйидаги ишларни амалга оширади: (5-сонли БХМА, 7-сонли БХМС кура) - инвентар

дафтарлар, техник паспортлар ва бошқа техник ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг ҳолати, шунингдек, олинган, сақланган ва вақтинчалик фойдаланишга берилган номоддий активларга ҳужжатларнинг борлиги текширилади.

Аудитор номоллий активларни қайта рўйхат қилишда рўйхат комиссияси объектларни тўлик номини, инвентар номи ва вазифасини рўйхатга ёзади. (1-сонли ИНВ)

Номоддий активларни қайта рўйхат қилиниб ҳужжатларига инвентар рақами, дастлаб қиймат кўрсатилган ҳолда алоҳида ёзилади.

Ҳисобда турмаган объектлар, шунингдек, ҳисобда уларни тавсифловчи ҳужжатлар бўлмаган объектлар аниқланган тақдирда комиссия объектларга оид етишмаётган маълумотларни ва техник кўрсаткичларни рўйхат ҳужжатига киритади. Жумладан, номоддий активлар бўйича уларнинг вазифаси, уларни фойланиш мумкин бўлган йили ва бошқалар кўрсатилади.

Янгидан аниқланган ва охириги рўйхатдан буён ҳисобга олинмаган объектларни баҳолаш уларни тиклашнинг ҳозирги қийматига қараб аниқланади, эскириш эса буюмларнинг ҳақиқий ҳолатига кўра белгиланади.

Аниқланган ҳисобга олинмаган номоддий активларнинг объектларни расмийлаштириш, уларни баҳолаш ва эскиришни аниқлаш алоҳида далолатномаларда қайд этилади. Қайта рўйхатдан ўтказиш натижасида аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар қачон ва кимнинг фармойиши билан ҳисобдан чиқарилганлиги аниқланади.

Кўрсатиб ўтилган номоддий активлар қайта рўйхат қилиш объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номида ёзиб қўйилади.

Инвентаризация ўтказиш натижалари бўйича ортикча чиккан номоддий активлар илгари ҳисобга олинмаган , фойдаланишда бўлган, текинга олинган қийматликлар тарзида қабул қилинади

Объект тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланганда унинг асосий вазифаси ўзгарган ҳолда рўйхатга янги вазифасига мувофиқ келувчи номда ёзиб қўйилади. Қайта рўйхат қилишда

амалга ошириладиган капитал ишлар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган ҳоллар аниқланади. қайта рўйхатдан ўтказиш комиссияси ҳужжатлар бўйича объектнинг дастлабки қиймати оширилган суммани аниқлайди ва рўйхатда амалга оширилган узгаришлар ҳақидаги маълумотларни келтиради. Айтилган бир пайтда аудитор аниқланган объектнинг ўзгаришига доир маълумот ҳисобида акс этирилмаганлига сабабларни аниқлайди.

Баъзан номоддий активнинг фойдаланиш қоидалари бузилганлиги, бошқа сабаблар билан муддатидан илгари яшириш ҳисобдан чиқарилади.

Бундай далиллар бўйича айбдор мансабдор шахслар, етказилган зарар миқдори аниқланиши ҳамда бундай бузилишларнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилиши керак, Қайта рўйхатдан ўтказиш натижасида аниқланган етишмаган номоддий активлар моддий жавобгар шахслардан ундирилади. Айбдор шахслар зиммасига юкланган камомадни ундириш суммаси дастлабки қиймат билан етишмаётган инвентар рақами эскириш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Агар шартномавий нарх дастлабки нархдан юқори бўлса. Моддий жавобгар шахс бозор нархи билан эскириш суммаси ўртасидаги фарқни тулайди. (18-сонли ИНВ шакл)

Номоддий активларнинг номоддий активлардан фойдаланишга доир ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг ҳақиқатда мавжудлигини, балансда номоддий активларни тўғри ва ўз вақтида акс эттирилганлигини аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш мақсадида банклар томонидан вақти-вақти билан, бироқ икки йилда камида бир марта номоддий активларни инвентарлаш ўтказилади.

Номоддий активларни инвентарлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) “Инвентарлашни ташкил қилиш ва ўтказиш”да (1999 йил 2 ноябрь 833-сон билан рўйхатга олинган) белгиланган тартибда амалга оширилади<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Ўз.Р МВ 02.11.1999й. №833. 19-БҲМС. .

Инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча номоддий активлар бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Инвентарлаш вақтида камомад факти аниқланган етишмаётган номоддий активлар айбдор шахслар аниқлангунга қадар камомадлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақда акс эттирилади.

## Хулоса ва таклифлар

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хом-ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган иқтибодли иқтисодий тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

Бу борада мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишда дастур амалга оширилишида банкларнинг роли бекиёсдир. Шундан келиб чиққан ҳолда банк тизимининг иш фаолиятини яхшилаш, шу билан жаҳон талабига мос келадиган банк хизматларини кўрсатиш жуда муҳимдир.

Банклар ўз фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобининг роли аҳамиятлидир. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижоат банкларининг активларидан тўғри самарали фойдаланиш зарурдир.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари фаолиятига хос бўлган замонавий банк хизматларига эҳтиёж сезиларли. Бундай хизматларни амалга оширишда тижорат банклари рухсатнома лицензияга эга бўлиши керак. Лицензиялар эса халқаро замонавий банк хизматларини амалга ошириш ҳуқуқини беради. Шу боис банк фаолиятида қўлланадиган номоддий активлар ва уларни ҳисобга олишда юзага келадиган муаммолар ечимини бериш долзаб масаладир.

Миллий бухгалтерия ҳисоби тизимининг халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими қоидаларига яқинлаштирилиши кўпчилик дунё мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасизда ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия (молиявий) ҳисоботлар тузиш услуги ва услубиятларини ривожланишига олиб келди. Бухгалтерия ҳисобини юритишда бундай халқаро бухгалтерия тизими қоидаларига яқинлаштирилиши натижасида бухгалтерия ҳисобини юритишда маълум бир ечимини топмаган муаммолар вужудга келиши мумкин буларни ечимини бартараф этиш масалалари туради.

Мазкур Битирув малакавий иши натижасиг кўра номоддий активлар ҳисоби ва аудити тадқиқ қилинди ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари бўйича хулосалар қилинди ва таклифлар берилди:

- номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари тадқиқ қилинди;

- номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг мақсади ва аҳамияти аниқланди;

- Ўзбекистон Республикасида номоддий активлар ҳисоби ва аудитни тартибга солишнинг асосий механизмлари тадқиқ қилинди ва мазкур ишда очиқ берилди;

- номоддий активларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳисоб жараёнлари тадқиқ қилинди;

- бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар ҳисобининг мазмун ва методлари тадқиқ қилиниб, уни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди ҳамда моҳияти очиқ берилди;

- номоддий активларнинг аудити манбалари тадқиқ қилинди;

- номоддий активлар ҳаракатининг ҳисобини аудити тадқиқ қилинди;

- номоддий активларнинг аудити кенгроқ ҳар тамонлама тадқиқ қилиниб, уни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга битирув малакавий ишда номоддий активлар ҳисобига оид банк жараёнилари аниқ ҳолатлар бўйича бухгалтерия ҳисобида акс этирилиши келтирилди

Шу аснода, мазкур битирув малакавий ишнинг мавзусини ёритиб мазмунини очиқ беришда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини тартибга солувчи асосий ҳуқуққий- меъёрий ҳужжатлар кўриб чиқилиб тадқиқ қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, йўриқнома ва низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар таадқиқ қилинди.

Умуман олганда, шуни назарда тутиш керакки номоддий активларнинг ҳолати ва ҳаракати, ишлатилиши тўғрисида маълумотлар ички ва ташқи

фойдаланувчи таъсисчиларга берилиб турилса асосий воситаларнинг бут сақланиб улардан унумли ва самарали ишлатилиб фойланиши устидан назорати таъминланиб ҳамда улардан самарали фойдаланилади

Шу кабилар номоддий активлар ҳисобини юритишда ТИФ «Миллий банк»нинг Тошкент вилоят филиали мисолида ўрганиб чиқилди ва булар бўйича маълум бир хулосалар қилиниб қуйида таклифлар берилди.

1. Номоддий активлар ҳаракати ҳисоби ва ҳисоботда ҳисобот икки даврлари оралиғида ўзгаришини акс эттирилиши боғлиқ. Уларнинг ҳисобот даври давомида кирими ёки чиқиб кетишининг молиявий ҳисоботда қабул қилинадиган аниқ конкрет баҳолаш тамойили асосида очиб берилиши зарур.

2. Бундай номоддий активлар ҳаракати билан боғлиқ, яъни сотилиши, текинга берилиши ва бошқа сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши натижасида уларнинг суммалари номоддий активлар ҳаракати билан боғлиқ ҳисоб ва ҳисобот маълумотларида камайтириб кўрсатилишидир.

3. Ҳисобдан чиарилаётган номоддий активларнинг кирим қилингандаги бошлангич қиймати суммаси катта бўлиб, мазкур номоддий активлар ҳисобдан чиқарилаётгандаги суммаси жуда паст баҳода сотилиши ёки текинга барилиши мумкин. Будан номоддий активларни ҳисобдан чиқарилишидан банклар биринчидан молиявий зарар кўради. Иккинчидан агар сотилса сотиш мумкин бўлган бозор баҳосида сотилиб ҳисобдан чиқарилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Номоддий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда номоддий активларнинг ҳаракати ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, яъни ҳисобот йили бошига ва йил охирига уларнинг қолдиқлари кўтсатилган ҳолда ҳисобот йили давомида номоддий активлар таркибидаги ўзгаришларни очиб бериш керак.

5. Номоддий активларни маълум бир муддатларда, яни ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта аудитини ва йиллик ҳисоботни тузишга тайёргарлик вақтида ивентаризация ўтказилиши керак. Будан ташқари ушбу аудитни ички аудитор томонидан ўтказилиб, банкнинг барча моддий

қийматликларини доимий равишда жорий текширув олиб бориб уларнинг ҳисобини тўғри юритилишини назорат қилиб бориши ва моддий қийматликларнинг бут саланишини назоратини олиб бориши лозим.

Шундай қилиб, мазкур тавсияларни амалиётда қўлласа мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.



## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 й, 30 август.
3. «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 26.05.2000й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи, 2015 йил 16 май, № 98 (6281).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. – Т.: 1995й.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

7. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” Халқ сўзи газетаси, 2016 йил 16 январь, № 11 (6446).
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

### **III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар**

9. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2012.

10. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия хисобининг хисобварақлари режаси. ЎзР АВ 13.08.2004 йилда 773-17-сон билан рўйхатга олинган (янги таҳрири).

#### **IV. Асосий адабиётлар**

11. Ермаков. С.Л. Основы организаций деятельности коммерческого банка. Учебник. – М.: КНОРУС, 2012 – 656с. 2 экз.

12. Жарковская. Е.П. Банковское дело: Учеб. - М: «ОМЕГА -Л», 2014 – 476 с.

13. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазавой, Л. Кроливецкой - СПб: Питер, 2008. - 400с.

14. Шиленко С.И. и др. Основы аудита: учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 152 с.

15. Климович В.П. Основы банковского аудита: учеб. – М.: ФОРУМ, 2010. – 192 с.

16. Курсов В.Н. Бухгалтерский учет в коммерческом банке. -Москва.: 2011, стр. 209

17. Усатова Л.В., Серошин М.С. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: 2007, стр. 399

18. Шпаков Л. В., Барулина Е. В. Бухгалтерский учет как пользоваться МФСО. «Альфа-Пресс». –М.: 2012. -37 с

19. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А. Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. –М.: Издательство: экономика. 2005. -185 с

#### **V. Қўшимча адабиётлар**

20. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.

21. Краливецкая Л.Н. Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков: учеб. пос. – М.: КНОРУС, 2008. – 280 с.

22. Банковское дело: Экспресс – курс: Учеб. пособ. / Под ред О.И. Лаврушина М.: Кнорус , 2008 -352с.

23. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новые типовые бухгалтерские проводки операций банка: Учеб. пособ. — 10-е изд., испр. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2008. — 277 с.

24. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке: Новое типовые бухгалтерские проводки операций банка: учеб. пособ. — М.: ИНФРА-М, 2010. — 216 с. + CD-R.

25. Жминько С.И. и др. Внутренний аудит / С.И. Жминко, О.И. Швырева, М.Ф. Сафонова.- Ростов н/Д: Феникс. 2008.- 316 с.

26. Усатова Л. В., Сероштан М. С, Арская Е. В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: Учеб. пособ. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: «Дашков и К°», 2007. — 404 с.

27. Абдувахидов Ф. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби. —Т.: Ўқув кўлланма. 2012, 160 бет

28. Abduvaxidov F.T., Umarov Z.A., Djurayev K.N. Banklarda buxgalteriya hisobi. O`quv qo`llanma.-Т.:2010, 224 bet.

29. Черкасов В.К. Финансовый анализ в коммерческом банке. Учебное пособие для вузов. - М.: Изд. «Консалтбанкир», 2006. - 320 с.

30. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. Учебный пособие. —Т.: ГФИ, 2004. -36 стр

31. Парфёнов К.Г. Банковский учет (бухгалтерский учет и операционная техника в коммерческих банках кредитных организациях): изд. 4-е, перераб. и допол. -М.: ООО "Парфенов.ру", 2004. - 178 с

32. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учёт в коммерческом банке: новые типовые бухгалтерские проводки операций банка. Учеб. пос. -М.: ИНФРА-М, 2004, 213 стр

33. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

34. «Бозор, пул ва кредит» журнал. —Т.: 2014-2015 йиллар

35. «Солик ва божхона хабарлари» газета. —Т.: 2014-2015 йиллар

## **ҮІ. Интернет сайтлари.**

36. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

37. “Norma” 2015.

38. “Pravo” 2015.

39. [Lex.uz](http://Lex.uz).

40. [www.gaap.ru](http://www.gaap.ru)